Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 11-mart, seshanba № 32 (3381)

Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!

«General Motors Uzbekistan» янги «Chevrolet Orlando» оилавий автомобилини тақдим этди

«Orlando» — янги ўзбек автомобили

Янги автомобил тақдимоти пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган «Driver`s Village» автосалонида бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар, «General Motors» компанияси вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Бугунги кунда мамлакатимиз автомобилсозлик саноатида «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси таркибига кирадиган қирқдан ортиқ замонавий корхона фаолият кўрсатмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида ташкил этилган Ўзбекистон автомобилсозлик саноати ўтган 17 йилдан кўпроқ вақт давомида иқтисодиётимизнинг муҳим тармоғига айланди.

Айни пайтда дунёнинг кўплаб мамлакатлари кўчаларида қатнаётган «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси босилган юз минглаб автомобиллар иқтисодиётимизнинг юксак салоҳияти ва самарадорлигини намойиш этмоқда. Уларнинг сифати хорижлик харидорларга ҳам ғоят манзур бўлмоқда.

«GM Uzbekistan», «СамАвто», «JV MAN Auto-Uzbekistan», «General Motors Powertrain Uzbekistan» ва бошқа корхоналарда енгил ҳамда юк автомобиллари, автобуслар, махсус машиналар, кенг турдаги эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқарилаётир. Ушбу корхоналар кучли рақобат шароитида автомобил моделларини мунтазам такомиллаштириб бориш, сифатини янада ошириш устида доимий изланмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан мамлакатимизда Соғлом бола йили, деб эълон қилинган жорий йилда «GM Uzbekistan» компанияси яна бир янги автомобил — «Chevrolet Orlando» оилавий миневэнини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси мутахассисларининг таъкидлашича, бу мамлакатимиз автомобилсозлик саноати жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Ўрта ўлчамдаги етти ўринли янги автомобил «Chevrolet Cruze» русумидаги седан платформаси асосида яратилди. «General Motors Korea» жамоаси томонидан ишлаб чиқилган ушбу ихчам автомобил ўзига хос ажойиб дизайни билан ажралиб туради.

Хоразм вилоятида ишлаб чиқарилаётган ушбу автомобил 141 от кучига эга, 100 километрга ўртача 7,9 литр ёнилғи сарфлайдиган тежамкор двигател ва олти поғонали автоматик трансмиссия билан жиҳозланган.

«Chevrolet Orlando» шинамлиги, салонининг кенглиги ва юк ташиш имкони мавжудлиги билан ҳам эътиборлидир. Буюмларни қўйишга мўлжалланган махсус жойларнинг кўплиги ҳайдовчи ва йўловчилар учун қўшимча қулайлик яратади. Приборлар панели эса кўплаб вазифаларни бажара олади.

Автомобил олд ва ён томондан хавфсизлик ёстиқчалари, бошқарув рулининг паст-баландлигига қараб тормознинг ўз-ўзидан блокировкага тушиб қолишига қарши тизим, орқа томонни кўриш учун ён кўзгулар, олд ўриндиқларни тўрт томонга ҳам мослайдиган функциялар билан таъминланган. Шунингдек, ёмғир датчиги, ҳарорат, тезликни ҳайдовчи иштирокисиз назорат қилиш қурилмалари ва бошқа қулайликларга эга.

«General Motors»нинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган замонавий «Chevrolet Orlando» ўзининг ажойиб дизайни ва хавфсизлик тизими, юксак техник хусусиятлари билан нафақат Ўзбекистон, балки хорижлик харидорларга ҳам манзур бўлади.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган сурат

Кўчат экиш, боғ яратиш халқимизнинг азалий қадриятларидан биридир. Зеро, ўзимиз яшаётган заминни кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш туфайли кўнглимиз обод, турмушимиз файзли ва фаровон бўлади.

«Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республикамиз аҳолисига Мурожаати»дан

Шукрона

Тинчлик ва тўкинлик — буюк неъмат

Юртимизда кўклам нафаси кезаётган шу кунларда 103 ёшга тўлдим. Яна бир Наврўзи оламни қарши олаётганим, тинч-осуда юртда фарзандларим, невара-чевараларим қуршовида эсон-омон ҳаёт кечираётганимга беҳисоб шукроналар айтаман.

Азалдан меҳр-оқибат, хайр-саховат айёми бўлмиш Наврўз мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида янгича мазмун билан бойиди, умумхалқ байрами даражасига кўтарилди. Ёшларимизнинг миллий маънавиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қила бошлади.

Фарзандларимизнинг бу байрамни ҳар йили катта шоду хуррамлик билан тўкин-сочинликда кутиб олаётганини кўриб, ҳавасим келади, улар даврасида ўзимни ҳам яшариб кетгандек ҳис этаман. Бизнинг болалигимиз, ёшлик йилларимиз азоб-уқубатда, машаққатда кечди. Аввалига очарчилик, сўнгра уруш офатини кўрдик. Миллий урф-одат ва қадриятларимиз камситилди.

Шундай тинч-осуда кунларга етказганига шукр. Беш фарзанднинг отаси, ўттизга яқин невараниг бобосиман. Улар учун ҳамма шароит бор — қишлоқнинг ўзида замонавий спорт майдончаси, мусиқа мактаби, шифохона. Бу ёғи давлатнинг ўзи қўллаб турибди, хоҳласанг, тадбиркорлик қил, хоҳласанг, ҳунар ўрган. Илоё, Яратган эгам Ўзбекистонимизни ёмон кўзлардан асрасин.

Ўтган йили ҳаётимда қувончли воқеа юз берди. Президентимиз фармонига мувофиқ Мустақиллик байрами арафасида «Шуҳрат» медали билан мукофотландим. Озод Ватанда тинч, фаровон яшашнинг гашти бўлакча экан. Бунинг бари тинчликдан, Юртбошимизнинг одил сиёсатидан. Шундай кунларимиз абадий бўлсин.

Йўлдош БОБОЕВ,
Сурхондарё вилояти
Олтинсой тумани.
(ЎзА)

Ўлкамизда баҳор. Миллий қадриятларимизни ўзида мужассам этган Наврўзи олам яқинлашмоқда. Президентимизнинг «2014 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори моҳиятидан келиб чиқиб, чора-тадбирларни белгилаб олдик. Маҳалламизда жойлашган 15 та кўчада истиқомат қилаётган хонадонларнинг 3 минг нафардан ортиқ аҳолиси, шунингдек, ҳудудимиздаги ўнлаб ташкилот, муассаса ва идораларнинг ходимлари муборак айёмни муносиб кутиб олиш учун тайёргарликни бошлаб юборишди.

Муборак айёмни қаршилаб

Ўтган йилги Наврўздан буён ҳудудимизда катта ҳажмдаги ижобий ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, янги замонавий умумтаълим мактаби қурилиб, фойдаланишга топширилди. Кўча ва хиёбонларимиз янгича қиёфа касб этди. Кўчатларни парваришлаш, янгиларини экиш, гулзорларни кенгайтириш ишлари авж олмоқда. Тозалик ва ободонлаштириш ишларида ҳудудимизда жойлашган шаҳар ва туман тиббиёт бирлашмалари, «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Когон филиали, санитария-эпидемиология назорати маркази, прокуратура ва ички ишлар бўлимининг саъй-ҳаракатлари диққатга сазовор бўляпти.

Соғлом бола йилида нишонланадиган Наврўз умумхалқ байрамини муносиб кутиб олиш учун бошланган хайрли тадбирларни амалга оширишда маҳалламиз фаоллари, кўча вакиллари алоҳида ташаббускорлик кўрсатишмоқда. Айниқса, меҳнат фахрийси, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати Жаббор ҳожи Ҳакимов атрофига жипслашган инсонларнинг оилалар аҳиллиги, ёшлар тарбияси, тозалик ва озодаликни таъминлаш борасидаги ташаббуслари кўпчиликка ибрат бўлаяпти.

Ҳозирга қадар маҳалламиз ҳудудида 2000 тупдан ортиқ мевали, 1500 тупга яқин манзарали ва 3 минг тупдан зиёд турли хил гул кўчатлари ўтқаздик. Ушбу тадбир қизғин давом этмоқда. Мақсадимиз — хонадонларимиз, кўчаларимиз, ён-атрофимиз ҳамиша файзли, обод, тоза-озода, хушҳаво бўлсин.

Бу борада амалга оширадиган ишларимиз кўлами кенг. Эндиликда кўчат ўтқазиш, уларни парваришлаш билан бир қаторда йўл ва йўлакларни тартибга келтириш, сув йўлларини тозалаш ва таъмирлаш, дарахтларни оқлаш, эҳтиёжмандлар хонадонларидаги шарт-шароитларни яхшилашга кўмаклашиш, боқувчисини йўқотганлар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиб, уларга ёрдамлашиш каби қатор хайрли ва савоб ишларни давом эттирамиз.

Тўймурод НАЙИМОВ,
Когон шаҳар Алишер Навоий номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси

* * *

Табиатнинг уйғониши билан қишлоқ, шаҳарчалар, қўрғон ва овулларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари тобора авж олмоқда.

Қумқўрғон туманида салкам 200 минг нафарга яқин аҳоли яшайди. Бу йил уларнинг ёрдамида 100 минг тупга яқин тут, 120 туп мева кўчатлари ўтқазилди. Ҳар бир киши 5 тупдан мевали кўчат экмоқда. Бу ишларни жамоатчилик асосида туман касаба уюшмаларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши аъзолари назорат қилишяпти. Айниқса, «Янгиер» шаҳарча ва «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғинларида олиб борилган ишлар таҳсинга сазовор.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган байрам тадбирлари кимё соҳаси тизимидаги барча корхоналарда кенг нишонланди. Маъмурият, касаба уюшма қўмиталари ҳамда хотин-қизлар комиссиялари ҳамкорлигида турли маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, кўрик-танловлар ташкил этилди.

АЁЛЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Жамоа шартномалари ва келишувлари орқали тармоқ корхоналарида меҳнат қилаётган ёлғиз оналар ва кўп болали оилаларнинг 132 нафарига 12219,8 минг сўмлик ҳамда фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тўлгунга қадар бўлган 150 нафар ёш оналарга 16854 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

«Аммофос-Максам» ОАЖда ишловчи барча хотин-қизларга совғалар ва 8 нафар аёлга санаторийларга имтиёзли йўлланмалар тақдим этилди. Шунингдек, «Навоийазот» ОАЖда ногирон фарзанди бўлган 8 нафар аёлга озиқ-овқат тўплами, 920 нафар хотин-қиз ҳамда кам таъминланган, бола парвариши бўйича таътилда бўлган 23 нафар аёлнинг уйларига ташриф уюштирилиб, совғалар берилди.

«Деҳқонобод калий ўғитлар заводи» унитар корхонаси, «Қиргули» электротехника, «Қўнғирот кимё саноат» ва Ангрен кимё касб-ҳунар коллежлари қизлари ўртасида «Балли, қизлар» кўрик-танлови, турли кўргазмалар ҳамда давра суҳбатлари уюштирилди.

«Андижон биокимё», «Самарқандкимё» ОАЖларда «Аёл саодати», «Аёл борки, олам мунаввар» мавзуларида икки авлод учрашувлари ташкил этилди.

Байрам тантаналари давом этмоқда.

М.ХАЛИЛОВА,
ЎзКУФ Хотин-қизлар кенгаши раиси

* * *

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши республикамиздаги бир қатор тиббиёт олий таълим муассасаларида «Аёл меҳри билан олам мунаввар» деб номланган байрам тадбирларини ташкил этди.

Тиббиёт академияси, Тошкент педиатрия тиббиёт, Тошкент фармацевтика ҳамда Врачлар малакасини ошириш институтларида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш билан бирга жамоат ишларида фаол бўлган 16 нафар ўз касбининг фидойиларига фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

Ўз мухбиримиз

* * *

«Ўзкабел» очиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонасида 577 нафар хотин-қизга эҳтиром кўрсатилди.

— Мамлакатимизда аёлларга эҳтиром давлат сиёсати даражасидаги муҳим масалага айланганлиги кишини қувонтиради, — дейди корхона касаба уюшма қўмитасининг раиси Рустам Турсунов. — Аёл, аввало, она. Шу боис уларни қанчалик ардоқласак, шунча кам.

Тадбирда корхонада меҳнат қилаётган ҳар бир аёл моддий рағбатлантирилди. Шунингдек, «Юлдузлар аёллар учун куйлайди» деб номланган мусиқали дастур кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Айниқса, корхона ҳаваскорлари Азиз Қулибоев, Оксана Чуксиналарнинг чиқиши олқишларга сабаб бўлди.

Н.РАФИҚОВ

* * *

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси билан ҳамкорликда «Аёлни қадрлаш — миллатни қадрлаш» мавзуида қатор тадбирларни ташкил этди.

Жумладан, Самарқанд шаҳрида вилоят таълим муассасаларида меҳнат қилаётган бир гуруҳ фидойи аёлларга байрам тадбири уюштирилди.

— Барча шаҳар ва туманларда фидокорона меҳнати билан ёш авлод тарбиясига ҳисса қўшаётган икки юз нафардан ортиқ аёллар тармоқ касаба уюшмаси томонидан тақдирланди, — дейди Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Акбар Абдусаидов. — Маданий тадбирлар барчага хуш кайфият бағишлади.

Н.ШАМСИЕВ

Касаба уюшмаси ва туризм

Самарқандда спорт фестивали

Алоқа ходимлари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш мақсадида Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси, Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда ЎзКУФК қошидаги «Касаба сайр» шўъба корхонаси ҳамкорлигида «Соғлом она — соғлом авлод гарови» шиори остида спорт фестивали ўтказилди.

Ўтган йил поёнида «Касаба сайр» ШК касаба уюшмалари ташаббуси туфайли халқаро туризм йўлга қўйилди. Қўшни Қозоғистон Республикаси касаба уюшма фаолларидан бир гуруҳи Самарқандда кутиб олинди. Меҳмонлар шаҳарни томоша қилишди. Истиқлол йилларидаги бунёдкорлик ишларидан воқиф бўлишди.

— Ўтган йилда минг нафардан зиёд меҳнаткашларнинг юртимиз бўйлаб саёҳатини ташкил этдик, — дейди «Касаба сайр» ШК раҳбари Тўлқин Хидиров. — Жорий йилнинг деярли ҳар ҳафтасида туристик сафарларни уюштиришни режалаштирганмиз.

«Соғлом она — соғлом авлод гарови»

Гапни бекорга узоқдан бошлаётганимиз йўқ. Кўҳна Самарқандга фасллар келинчаги баҳор ташрифи билан бир пайтда бир гуруҳ касаба уюшма меҳмонлари келишди. Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши масъул ходимлари, «Касаба сайр» ШК жамоаси мамлакатимиз вилоятларидан ташриф буюрувчи алоқа ходимларини кутиб олиш, уларнинг саёҳатини мароқли ўтказиш учун астойдил жонбозлик кўрсатишди.

Баҳор фасли шодиёналарида Халқаро хотин-қизлар байрамининг ўз ўрни бор. Хусусан, жойларда ЎзКУФК ташаббуси билан ташкил этилган «Аёлни қадрлаш — миллатни қадрлаш» шиори остидаги туркум тадбирлар қалбларга шоду-хуррамлик олиб кирди. Ташаббусга жавобан Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси, Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши соҳада ишлаётган аёллар ўртасида ташкил этган спорт баҳслари «Соғлом она — соғлом авлод гарови» шиори остида Самарқандда ўтказилди. Спорт ва саёҳат уйғунлигидаги фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳридан 170 дан зиёд тизимда ишлаётган аёллар иштирок этди.

(Давоми 4-саҳифада).

Кунлар исиб, кўклам нафаси кезиб юрган шу кунларда Фарғона вилояти Бувайда туманидаги «Патилахон» фермер хўжалигида ҳам дала юмушлари қизғин паллага кирди. Ўзбекистон Қаҳрамони Патилахон Эргашева раҳбарлик қилаётган хўжалик жамоаси буғдойни парваришлаш, ерга чигит қадаш билан боғлиқ агротехник тадбирларни ўз вақтида ва унумли бажаришга одатланган.

2005 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган хўжалик ўтган йиллар давомида пахта ва ғалла етиштириш бўйича ибратли тажриба тўплади. Фермер хўжалиги 70 гектар ер майдонига эга бўлиб, айни пайтда унинг 35 гектарида ғалла баравж ўсмоқда. Парвариш қатъий агротехника қоидалари асосида олиб борилаётир.

Суратда: Бувайда туманидаги «Патилахон» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Патилахон Эргашева.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Конференция

Муваффақиятларни мустаҳкамлаймиз

Хоразм вилоятидаги «Урганч бахмал» МЧЖда бўлиб ўтган конференцияда жамият раҳбари Аҳмаджон Худойберганов жамоа эришаётган муваффақиятларда бевосита касаба уюшма ташкилотининг ҳиссаси катталигини таъкидлаб ўтди. Айниқса, Бош келишув асосида жамоа шартномасининг янада такомиллашган ҳолда қабул қилинганлиги, ундаги шартларнинг иш берувчига ҳам, касаба аъзоларига ҳам маъқуллигини эътироф этди.

Жамоа шартномаси ижросини таъминлаш мақсадида иш берувчи томонидан қатор амалий чоралар кўрилди. Ўтган йили корхонада 23432 квадрат метр тайёр газлама ишлаб чиқарилди. Бу жамоа шартномаси асосида ишчиларга муносиб иш ва дам олиш шароити яратилганлиги, меҳнати муҳофаза қилинаётганлиги самарасидир.

— Жамиятимизда 450 нафар ишчи фаолият кўрсатади, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси С. Искандарова. — Улардан 198 нафари хотин-қизлар. 32 ўринли ётоқхона ва дам олиш хоналари мавжуд. Иссиқхонамизда етиштирилган маҳсулотлардан ходимлар доимий равишда баҳраманд бўлиб келмоқда. Яқинда корхона қошида «RED FLOVER» МЧЖ ташкил қилиниб, 44 киши иш билан таъминланди. Улар касаба уюшма аъзолигига қабул қилиниб, манфаатлари ҳимояланяпти.

Сўзга чиқувчилар иш берувчи ва касаба уюшмаси томонидан амалга оширилган ишларга юқори баҳо беришди. Ходимлар таклифлари инобатга олиниб, 2014 йил учун жамоа шартномасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг ташкилий ишлар бўлими мутахассиси Қ.Муқумов, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси З.Худойбердиев иштирок этди.

М. ТЎРАБОЕВА

Ўқув-семинар

Сирдарё вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда «Меҳнат қонунчилиги — жамоатчилик назоратида» мавзусида ўқув-семинар ташкил этилди.

Меҳнат қонунчилиги жамоатчилик назоратида

Унда тармоқ ходимлари касаба уюшмалари туман, шаҳар кенгашлари раислари, вилоятдаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бошланғич ташкилот етакчилари ҳамда кадрлар бўлими раҳбарлари қатнашди.

Семинарда тармоқ Марказий кенгашининг юристконсулти Дилбар Муҳамедалиева, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Ширинои Умаралиева, меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассиси Улуғбек Таниқуловлар меҳнат шартномаларини тузиш, бекор қилиш, келишув ҳамда жамоа шартномаларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, меҳнат муҳофазаси юзасидан маъруза қилди. Тадбир якунида касаба уюшма қўмиталари раисларига иш жараёнида фойдаланиш учун услубий қўлланмалар тарқатилди.

А. МАМАРАСУЛОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Сирдарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Бошланғич ташкилот кўп нарсага қодир

«Косон ёғ-экстракция» очиқ акциядорлик жамияти Қашқадарё вилоятидаги намунали корхоналардан саналади. 1097 нафар ходим меҳнат қилаётган заводда 2013 йилда сезиларли ўсиш кўзга ташланди. 14208 тонна тозаланган пахта ёғи, 16930 тонна шелуха, 39893 тонна шрот, 10082 тонна ҳидсизлантирилган ёғ, 1001 тонна хўжалик совуни ишлаб чиқарилиб, режа 172,3 фоизга бажарилди.

Даромадга қараб буромад



— Иш берувчи билан имзоланган жамоа шартномаси бандларини тўлиқ бажариш учун бор имкониятлар йўналтириляпти, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси етакчиси Равшан Қудратов. — 6 нафар ходим касабақўм, саккиз киши эса корхона ҳисобидан турли сиҳатгоҳларда ўз саломатликларини тиклаб қайтди. Касаба уюшма қўмитаси тавсиясига кўра, ойлик маошлар 30 фоизга оширилди. Савдо дўкони, 120 ўринли ошхона, профилакторий ва чойхона ишчи-ходимлар хизматида. Ишга келиб-кетиш учун иккита автобус ажратилган.

Ёзги соғломлаштириш мавсумида ишловчиларнинг 250 нафар фарзанди Шаҳрисабз туманида жойлашган «Гулнора» болалар оромгоҳида ҳордиқ чиқарди. Йўлланмаларнинг 70 фоизи корхона ҳисобидан қопланди. Бемор ходимларнинг шифохонада даволаниши учун 24 миллион сўм (корхона ҳисобидан) сарфланди. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўлими касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ишчиларга қулай ва хавфсиз меҳнат шароити яратиб беришга жиддий эътибор қаратаётир. 2013 йилда ҳар бир ишловчига меҳнат муҳофазаси бўйича сарфланган маблағ ўртача 249334 сўмни ташкил этди. Иш жойларини шаҳодатлаш учун 14,5 млн. сўм, ёнғин хавфсизлиги жиҳозлари сотиб олишга 24,1 млн. сўм, цех ва бўлимларни дезинфекциялаш учун 4,4 млн. сўм ажратилди. Жамоа шартномасига асосан ҳомиладорлик таътили бир ойга узайтирилди. 30 нафар ходимга саломатлигини тиклаши ва фарзандларининг тўйи муносабати билан энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Таъкидлаш жоизки, касаба уюшма қўмитасининг бевосита таклифи билан ходимларнинг меҳнат таътилига чиқиш даврида саломатлигини тиклаши учун корхона ҳисобидан моддий ёрдам пули бериш йўлга қўйилди.

Янги иш ўринлари яратиш, ёшларни иш билан таъминлаш борасида ҳам изчил фаолият кўрсатилмоқда. Масалан, Косон туманида 8 гектар ерга интенсив боғ ташкил қилиниб, 8 та янги иш ўрни яратилди. Чет элдан зотдор қорамоллар келтирилиб, ёрдамчи хўжалик ташкил этилди ва корхона ошхонаси мунтазам равишда сут-қатиқ маҳсулоти билан таъминланди. Ўтган йил 59 нафар олий ва ўрта махсус маълумотли ёшлар ишга қабул қилинди. Корхона Касби озиқ-овқат саноати касб-ҳунар коллежини оталиққа олган бўлиб, таълим масканига баннерлар ва компютер жамланмаси олиб берилди. 167 нафар ўқувчининг ота-онаси билан учрашув ўтказилиб, 87 нафар толиби илмнинг келажакда «Косон ёғ-экстракция» очиқ акциядорлик жамиятида ишлаши юзасидан келишиб олинди.

Бу ерда 139 нафар хотин-қиз меҳнат қилади. Улар ишлаётган цех, бўлимларда алоҳида ювиниш ва гигиена ҳамда дам олиш хоналари мавжуд. Ўтган йили икки аёл Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг қимматбаҳо совғасини олди. Ходимлар учун Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларига саёҳат уюштирилди. Долзарб мавзуларда ўтказилаётган «Маънавият соатлари» самарали кечаётир.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Жамоа шартномаси — амалда

Ҳаммаси болалар учун

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши тизимидаги барча корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат жамоаларининг умумий йиғилишлари ўтказилиб, маъмурият ва касаба уюшма ташкилотлари ўртасида тузилган жамоа шартномаларининг 2013 йилда бажарилиши якуни ҳамда 2014 йилда унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш масаласи кўриб чиқилмоқда.



Жумладан, шундай йиғилиш «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйида бўлиб ўтди. Бу ерда ҳозирда ногирон болалар тарбияси ва даволаш билан 186 нафар ходим шуғулланади. Шундан 153 нафари хотин-қизлар. Интернат уйи маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси томонидан 2013-2015 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси тузилган. Муассасада ходимлар учун меҳнат шароити тобора яхшиланиб бораяпти. Сўзга чиққан ходимлар маъмурият ва касаба уюшмаси томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан миннатдор эканликларини билдиришди.

2013 йилда маъмурият томонидан жамоа шартномасидаги барча мажбурият ва асосий тадбирлар бажарилди. Байрамларда ходимларга мукофот пуллари, ёрдамчи хўжаликда етиштирилган арзонлаштирилган гўшт маҳсулотлари бериб борилди. Ўтган йили маъмурият мавжуд иш жойларини шаҳодатдан ўтказди. Ишчилар махсус кийим-бош ҳамда шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланиб, тиббий кўрикдан ўтказилди.

Бошланғич ташкилот томонидан ходимларга 4 та йўлланма олиб берилди. Маданий-оммавий тадбирлар учун 2 млн. 880 минг сўм сарфланди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатилди. Ходимлар ўртасида турли кўрик-танловлар, спорт турлари бўйича мусобақалар доимий равишда ўтказилиб, ғолиблар муносиб тақдирланди. Интернат уйида бадиий ҳаваскорлик тўғараги ташкил этилган бўлиб, байрам тадбирларини ўтказишга муносиб ҳисса қўшаётир.

Йиғилишда, шунингдек, Соғлом бола йилида интернат уйидаги ногирон болалар шарт-шароитини янада яхшилаш, ходимлар учун имтиёз ва кафолатларни янада кенгайтириш масаласига эътибор қаратилди.

Б.САИДОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

Нодавлат секторда

Ўтган йили 8 та нодавлат ташкилот Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши аъзолигига жалб этилди. Натижада, 154 нафар меҳнаткаш манфаати ҳимояга олинди.

Вакиллик органига қизиқиш ортмоқда

Жорий йил бошида ҳам шаҳардаги қурилиш ишларини лойиҳалаштириш билан шуғулланувчи «Таъмирқурилишлойиҳа» хусусий фирмасида вакиллик органи тузилди. Фирма раҳбари Барис Дон кенгаш фаолларининг жамоада касаба уюшма қўмитаси тузиш ҳақидаги таклифини мамнуният билан қабул қилди.

Касаба уюшма қўмитаси раиси А. Лига иш юритиш бўйича амалий ёрдам берилди. Таъкидлаш жоизки, бошланғич ташкилотларга эътибор кучайгани, имтиёзларнинг кўпайгани меҳнат кишиларининг вакиллик органига қизиқишини оширмоқда.

Ғ. ЖУМАБЕКОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси

Фаолиятга назар

Наманган туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси ўз атрофига 1795 нафар аъзони бирлаштирган. Туманда фаолият олиб бораётган 16 та нодавлат ташкилотда ҳам касаба уюшма ташкилотлари тузилишига эришилди.

Эзгулик хизматида

Тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси ва бошланғич цех касаба уюшмалари асосий эътиборни жамоа шартномаларининг пухта ишлаб чиқилиши ҳамда бажарилишини назорат қилишга қаратган.

Хотин-қизлар меҳнатини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида жамоа шартномаларига оналик ва болаликни муҳофаза этиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, фарзанд тарбияси билан банд бўлган ва ҳомиладор аёллар учун қўшимча таътиллар бериш, қисман ҳақ тўланадиган таътилларни узайтириш, соғлик учун зарарли жойларда ишлаётган ходимларга устама ҳақ тўлаш каби имтиёзлар киритилишига эришилди. Ушбу ҳужжат орқали аёлларнинг иш кунлари қисқартирилиши ёки 16 ёшгача ногирон боласи бор аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда бир ойда бир кун дам олиш куни ва йиллик меҳнат таътилига қўшимча уч кун қўшиб берилиши каби ижтимоий масалалар ҳал этилди.

Ўтган йили тумандаги 8 та нодавлат секторда касаба уюшма ташкилоти тузилиб, тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси таркибига олинди.

«Даво» хусусий шифохоналарида 23 нафар ходим меҳнат қилади. Уларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш мақсадида жамоа шартномасига иш ҳақи, меҳнат муҳофазаси, ходимларни иш билан таъминлаш, иш вақти ва меҳнат таътилларини бериш, аёллар ва ёшлар меҳнатига доир 121 дан ортиқ мажбурият киритилган. Шу билан бирга, тиббиёт ходимларидан 15 нафари қадимий Самарқанд, Бухоро шаҳарларида саёҳатда бўлишди.

Ўтган йил давомида тиббиёт бирлашмаси ва унга қарашли даволаш-профилактика муассасаларида ишловчи 12 нафар ходим ижтимоий суғурта маблағи ҳисобидан турли санаторийларда соғлигини тиклади.

Мустақиллигимизнинг йигирма икки йиллиги байрами муносабати билан кам таъминланган ходимлар фарзандларидан 25 нафарига касаба уюшма қўмитаси томонидан ўқув қуроллари олиб берилди. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирга соҳада ишлаб, пенсияга чиққан 25 нафар меҳнат фахрийси таклиф этилиб, уларга касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари тақдим этилди.

Соҳа ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, меҳнат қонунчилиги асосида иш юритиш, иш берувчи ҳамда ишловчиларнинг бурчи ва вазифаларини чуқур тушунтиришга қаратилган ўқув-семинарлар ўтказиб борилди. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг юридик бўлими ҳамда бошланғич касаба уюшма қўмиталари ҳамкорлигида «Меҳнат шартномасини тузиш ва бекор қилиш», «Интизомий жазо бериш» ҳамда «Янги қабул қилинган меҳнат қонунчилигидаги ўзгаришларни етказиш» мавзуларида семинарлар ташкил этилди.

Спортнинг оммавийлигини ошириш ҳамда уни кенг тарғиб этиш мақсадида спартакиадалар ташкил этилди. Тумандаги қишлоқ врачлик пунктлари аёллари ўртасида шахмат, шашка, стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказилди. Соғлом авлод йили учун белгилаб олган режаларимиз янада кенг кўламли бўлиб, у ҳар қачонгидан кўра енг шимариб ишлашни тақозо этади.

Содиқжон ИБРОҲИМОВ,
Наманган туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Ижтимоий шериклик

Кунларнинг бирида

Шошиб турганим боис, автобусга чиқишга иккиландим. Катта қилиб ёзилган «М» ҳарфига кўзим тушди: Метро. Ечим топилди: Метрода кетаман. Иссиққина, тез юради, ҳам чўнтакбоп.

Манзилим томон кетиб борар эканман, метро, унда хизмат қилувчи ходимлар ҳақида ўйга берилдим. Тошкент метрополитенида қанча киши ишлайди? Уларнинг ижтимоий ҳимояси қандай йўлга қўйилган? Муаммолар йўқми?

Мозийга назар

«Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик компаниясига қарашли Тошкент метрополитенининг чиройи ва йўловчиларга яратилган қулайликлар эътирофга лойиқ. У дунёдаги энг озода метролардан саналади.

Марказий Осиёда ягона бўлган Тошкент метрополитени МДҲда еттинчи, дунёда ўттиз еттинчи бўлиб 1977 йил 6 ноябрда фаолият бошлаган. У 29 та бекатдан иборат. Узунликдаги фойдаланиш йўли 39,5 км. бўлиб, учта йўналишдан ташкил топган. Сўнгги — учинчи Юнусобод йўналиши 6 та бекатдан иборат, узунлиги — 7,6 км. Мазкур йўналиш 2001 йил 1 октябр куни фойдаланишга топширилган.

Яна бир муҳим маълумот: Тошкент метроси ўтган 37 йил мобайнида бирор кун ҳам ўз фаолиятини тўхтатмаган. 2013 йилги маълумотларга кўра, бир йилда 60 млн.нафарга яқин йўловчи метро хизматидан фойдаланади. Бундан ташқари, метрополитенда хавфсизлик чоралари аъло даражада ташкил этилган.

Ижтимоий ҳимоя

Ўта масъулиятли, шарафли касб эгалари манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмасининг ўрни муҳимдир. Чунки, ҳар бир соҳанинг ўзига хос қийинчиликлари, машаққати бор. Ҳозирда касаба уюшма қўмитасига анча йиллардан буён шу тизимда ишлаб келаётган Баҳром Тожиев раислик қилмоқда. Тиришқоқ, самимий, меҳнаткаш бу инсон тинимсиз изланишда.

Кейинги бекат: касаба уюшмаси

— Давр ўта фаолликни талаб қилмоқда, — дейди Баҳром Тожиев. — Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга доимий эътибор ва кўмак бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, мурувват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари биз учун долзарб ва устувор вазифа бўлиб қолаверади», деган сўзларини доимо ёдда тутаман. Одамлар билан ишлаш, дардини енгил қилиш, энг асосийси, яхшилик қилиш — бош мақсадимиз!

Дарҳақиқат, метрополитен ходимлари ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш касаба уюшма қўмитасининг доимий эътиборида.

Метрополитен касаба уюшмаси қўмитаси ўз сафига 14 та бошланғич цех қўмитаси, 164 та касаба уюшма гуруҳини бирлаштирган. Аъзолар сони ҳам анчайин салмоқли — 3160 нафар.

Жамоа шартномасининг бажарилиши цех қўмиталари ва метрополитен касаба уюшма қўмитаси томонидан доимий назорат қилинади.

Меҳнат муҳофазаси ва ишлаб чиқаришда техник хавфсизлик, жароҳат олмаслик учун профилактик чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, шунингдек, жамоа шартномаси бандларининг тўлақонли бажарилишига алоҳида эътибор қаратилган. Метрополитен маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида жамоа шартномасининг бажарилишини назорат қилувчи комиссия ташкил этилган.

Ходимларнинг меҳнат таътилларини мазмунли ўтказиши ва соғликларини мустаҳкамлашга бирламчи вазифа сифатида қаралади. Ўтган йил мобайнида санаторийларга 44 дона, дам олиш уйларига 54 дона, «Сиҳатгоҳ» санаторий-профилакторийсига 59 дона йўлланма ажратилди. Шунингдек, ходимларга сузиш ҳавзасига 4200 минг сўмлик 100 дона чипта тарқатилди.

Юртимизда болалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида салмоқли қадамлар ташланмоқда. Ўтган йили метрополитен ходимлари фарзандларининг ёзги таътилини мароқли ўтказиши учун «Автомобилчи», «Транспортчи авлоди» ва «Қибрай» болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига 240 та йўлланма ажратилди.

Касаба уюшма қўмитаси аъзоларнинг дам олиши спорт билан узвий боғлиқ ҳолда олиб борилади. Ўтган ҳисобот даври мобайнида футбол, волейбол, шахмат-шашка, шунингдек, стол тенниси бўйича эркаклар ва аёллар ўртасида спартакиадалар ўтказилди.

Ҳар чоракда меҳнат муҳофазаси ҳолати таҳлил этиб борилади. Ишчи-ходимлар махсус кийим, пойабзал ва шахсий ҳимоя воситалари, зарарли иш шароитида меҳнат қилаётган ходимлар сут маҳсулотлари билан доимий равишда таъминланган. Электропоезд машинистларига витаминлаштирилган, кислород билан бойитилган ичимликлар бериш йўлга қўйилган.

Сўз — ходимларга

Асқар ЙЎЛДОШЕВ,
Республика электр депоси машинист-йўриқчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган транспорт ходими:

— Ёшим 54 да. Касбимдан, шу соҳада ишлаётганимдан фахрланаман. Бошланишида анча қийин бўлганлиги рост. Отаонам, касбдошларимнинг далдаси билан шу кунларни кўряпман. Меҳнат қилган элда азизлигига ўзим гувоҳ бўлдим.

Феруза ҒУЛОМОВА,
Ижтимоий ривожлантириш ва ходимлар бўлими етакчи муҳандиси, метрополитен хотин-қизлар қўмитаси раиси:

— Ушбу соҳада 28 йилдан буён ишлайман. Дастлаб, техник ходим бўлиб ишга кирганман. Шу даражага етишимда марҳум устозим Аҳмаджон Тешабоевнинг хизматлари катта. Республикамизда оналар ва болалар масалаларига катта эътибор берилмоқда. Жамоамизда 1,5 мингдан ортиқ аёллар ишлашади. Соғлом бола йили муносабати билан мустақиллик байрамига бағишлаб, «Мустақил Ўзбекистоним» номли болалар расмлари кўрик-танловини ўтказиш, байрамлар арафасида ходимлар болалари учун цирк, ҳайвонот боғи ва бошқа маданият масканларига имтиёзли нархларда чипталар тарқатиш каби ишларни режалаштирганмиз. Шунингдек, транспорт коллежи ўқувчилари билан меҳнат муносабатлари, соғлом турмуш тарзи ва бошқа долзарб мавзуларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказилади.

Донишманд нима дейди?

Шундай фидойи касб вакиллари билан суҳбатлаша туриб, улуғ донишманд Гётенинг сўзлари ёдимга келди: «Биз энг юксак ниятларимизни улар инсониятга қанчалик фойда келтиришини ҳисобга олган ҳолда ифода этишимиз керак. Қолган барча нарсалар онгимизда сақланиб, худди булут орасидаги қуёшнинг майин шуъласи мисол йўлимизни ёритиб туриши лозим».

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

Етакчи билиши керак

ЎзКУФК Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги қарори билан «Касаба уюшмаларида мурожаатларни кўриб чиқиш Тартиби» ишлаб чиқилиб, бу борадаги мавжуд бир қатор камчиликлар бартараф этилди. Ҳозирда мурожаатлар мазкур ҳужжатда белгиланган талаблар асосида кўриб чиқилмоқда.

Мурожаатларни кўриб чиқиш

Тартиб мамлакатимиз Конституцияси, «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ариза, таклиф ёки шикоят кўринишидаги ҳар қандай мурожаатда фуқаронинг ҳуқуқи ёки манфаатига тегишли масала тилга олинади. Ариза фуқароларнинг ўз қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимоси бўлса, шикоятда бузилган ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги талаби баён этилади. Мурожаат бир хил кучга эга ёзма ёки оғзаки равишда бўлиши мумкин.

Тартибга кўра ёзма мурожаатда фуқаронинг фамилияси, яшаш жойи, имзоси бўлиши шарт. Фамилияси ёки яшаш жойи кўрсатилмаган ёхуд сохта маълумотлар келтирилган, имзо қўйилмаган ариза ва шикоят аноним ҳисобланади ҳамда кўриб чиқилмайди. Фуқаронинг ҳар қандай мурожаати «Ёзма мурожаатларни рўйхатга олиш дафтари»га қайд этилиб, унинг биринчи бетининг юқори ёки пастки бурчагига штамп босилади. Штампда рўйхатга олиш рақами ҳамда санаси қайд этилади.

Кўрсатилган масалани ўрганиш топширилган ходим Тартибда назарда тутилган муддатда натижа юзасидан муаллифга батафсил ёзма маълумот бериши лозим. Бунда қўшимча ўрганиш ва текшириш талаб этадиган мурожаатлар улар келиб тушган кундан бошлаб бир ой ичида, қўшимча ўрганиш ва текшириш талаб этмайдиганлари эса, 15 кун ичида кўриб чиқилади.

Қўшимча материаллар талаб қилиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолатларда муддат касаба уюшмаси раиси томонидан истисно тариқасида узоғи билан яна бир ойгача узайтирилиши мумкин. Бу ҳақда хат муаллифига ёзма равишда маълум қилинади. Дейлик, ариза 10 январ куни келиб тушган. Маълум сабабларга кўра 10 февралгача у кўриб чиқилмади. Бундай ҳолатда муддат касаба уюшма ташкилоти раиси томонидан 10 март кунигача узайтирилади ва бу ҳақда хат муаллифига ёзма хабар юборилади. Ариза узайтирилган муддат давомида кўриб чиқилиши лозим бўлади.

Ўрганиш натижалари билан касаба уюшмаси раиси танишиб чиқади ва назоратдан чиқаришга розилигини билдиради. Назоратдан чиқарилгач, «Ёзма мурожаатларни рўйхатга олиш дафтари»га қайд этиб қўйилади. Кўрсатилган масала юзасидан ўша муаллифдан келган кейинги мурожаатлар такрорий ҳисобланиб, биринчи марта рўйхатга олинган рақам билан рўйхатга киритилади.

Касаба уюшмаси ваколатига кирмайдиган масалада хат йўлланган бўлса, беш кун муддат ичида кўриб чиқиш учун ваколатли ташкилотга юборилади ва бу ҳақда муаллифга ёзма равишда хабар қилинади.

Уни кўриб чиқишни асоссиз равишда бошқа органга бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган ташкилот ёки шахснинг ўзига жўнатишга йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, мурожаатлар мумкин қадар жойида ва аризачининг иштирокида кўриб чиқилиши лозим. Ижрочи хат муаллифига унинг ҳуқуқ ва манфаатига дахлдор ҳужжатлар билан танишиб чиқиш имкониятини яратади. Фуқаронинг ҳуқуқи бузилишига олиб келган сабабларни аниқлайди ва келгусида қонунбузилиш ҳолатлари юз бермаслиги учун уларни бартараф этиш чораларини кўради.

Жумладан, касаба уюшмалари ходимнинг меҳнат қонунчилиги, меҳнат ва атроф- муҳитни муҳофазалаш қонунлари ва меъёрларига риоя этилишини, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояланишини таъминлаш мақсадида жамоа шартномалари ва келишувлари тузиш, уларнинг бажарилишини назорат қилиш, меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга.

А.ГАЙНАЗАРОВ,
Кимё соҳаси бўйича Республика бирлашган касаба уюшма қўмитаси етакчи юристконсулти

Меҳнат муҳофазаси

Корхона-ташкилотларда меҳнат муҳофазаси соҳасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамай, айрим иш жойларида жароҳатланишлар, кўнгилни хижил қилувчи ҳодисалар учраб турибди. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Мухбиримизнинг Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнат муҳофазаси бўлими мудири Эркинали Усмонов билан суҳбати шу мавзуда.

Хавфсиз меҳнатга кафолат уни ким яратади?

— Ходимларнинг меҳнат муҳофазасини кучайтириш касаба уюшма ташкилотлари олдида турган энг асосий вазифалардан биридир, — дейди Эркинали Усмонов. — Чунки муносиб меҳнат шароити ҳамда ходимларнинг иш жойларида техника хавфсизлигини таъминлаш нафақат иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва ривожланишида муҳим омил бўлади, балки жамиятимизда инсон омилига нисбатан ҳурмат ифодаси ҳамдир.

Айни вақтда вилоятимизда бешта тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг масъул ташкилотчилари, 65 та туман ҳамда шаҳар кенгаши, 18 та туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаси, тармоқ касаба уюшмаларига қарашли 9 та бирлашган қўмита ва 2808 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатяпти. Мазкур ташкилотлар орқали 470 минг нафардан зиёд аъзонинг меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояга олинган. Бунинг учун вилоят миқёсида 1 та ҳудудий, туманлар миқёсида 34 та ҳудудий-тармоқ келишуви, бевосита корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда 7705 та жамоа шартномаси амал қилиб келмоқда.

Юқоридаги барча ҳужжатларда махсус бандлар тузилган бўлиб, улар ишчи-хизматчиларнинг меҳнатларини муҳофазалаш, уларга қулай иш шароити яратишга қаратилган.

— Ишчи-хизматчиларнинг меҳнатини муҳофазалашни тўлақонли бажариш учун яна қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Биз корхона-ташкилот ҳамда муассасаларда меҳнат муҳофазасига оид қонун, меъёрий ҳужжатлар талабларига қай тариқа риоя этилаётганлиги устидан назорат олиб борамиз. Бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида жойларда амалий ёрдам кўрсатиб келяпмиз.

Ўтган йиллар давомида бирлашма кенгаши мутахассислари томонидан 200 дан зиёд корхона ва ташкилотда меҳнат муҳофазаси қоидаларига қай тарзда амал қилиниши ҳолати ўрганилди. Касаба уюшма мутахассислари аралашуви билан аниқланган камчиликларнинг қарийб 94,5 фоизи бартараф этилди.

Корхона ва ташкилотларда тузилган жамоа шартномаларидаги «Меҳнат муҳофазаси» бўлимининг бандлари экспертизадан ўтказилди. Уларни тузишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатилди. Жойларда меҳнат муҳофазасини янада яхшилаш мақсадида ўқув семинарлари ўтказилди. Уларда тадбир қатнашчиларига меъёрий ҳужжатлар ва «Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари ходимлари ва фаоллари учун меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича» қўлланмалар тарқатилди.

Меҳнатдаги жароҳатланиш ва касб касалликлари оқибатида ходимларнинг соғлиғига етказилган зарар учун уларга тўланадиган товон пуллари вақтида берилиши масаласи ҳам кечиктирмай кўриб чиқилмоқда. Ўтган йили 5 та шундай ҳолат ўрганиб чиқилди ва уларнинг барчаси ижобий ечим топди. Шу билан бирга, бирлашма кенгаши мутахассислари товон пулларини ундириш масаласида вилоят ва туманлараро судларнинг мажлисларида қатнашиб, азият чекканларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилмоқда.

Вилоятимизда ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисалар йил сайин камайиб бормоқда. Шу ўринда рақамларга мурожаат этайлик. 2011 йили 43 та бахтсиз ҳодиса юз берган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилда 40 тани, 2013 йилда эса 25 тани ташкил этди. Демак, бу ҳолат 2011 йилга нисбатан ўтган йили 18 тага ёки 41,9 фоизга камайган.

Албатта, бу хотиржамликка берилишимизга асос бўлмайди. Меҳнат муҳофазасини талаб даражасига етказиш учун жойлардаги касаба уюшма ташкилотлари иш берувчилар билан ушбу йўналишдаги ҳамкорликни янада кучайтириши зарур. Ҳозирги вақтда бирлашмага аъзо ташкилотларда жамоатчилик асосида сайланган 3 минг 600 нафардан зиёд вакил мунтазам равишда цех ёки участкаларда жамоатчилик назоратини олиб боряпти. Ўтган йили улар томонидан 6,5 мингдан зиёд меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонун-қоида меъёрлари талабларини бузиш ҳолатлари аниқланди. Шунинг қарийб 92,5 фоизи бартараф этилди. Аҳамиятли жиҳати, корхоналардаги меҳнат муҳофазаси вакиллари томонидан касаба уюшма қўмиталари қошидаги меҳнат муҳофазаси бўйича комиссиялари фаолиятини янада жонлантиришда катта амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Яна бир жиҳат, ҳар бир ишчи-хизматчи меҳнат муҳофазаси талабларига тўла риоя этса, салбий оқибатларнинг олди олиниши янада таъминланган бўларди. Бунга тўлақонли эришиш эса хавфсиз меҳнат кафолати ҳисобланади.

Суҳбатдош:
Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Реклама ва эълонлар

«FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдоларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Фарғона вилоят божхона бошқармасининг 07.03.2014 йилдаги 03-21/10-1655-сонли хатига асосан, Фарғона шаҳар, Ал-Фарғоний кўчаси, 52-«А» уйда сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «Дамас» русумли, 2001 йилда и/ч, д/р 40 054 LAA, техник-носоз. **Бошланғич баҳоси — 5144314 сўм.**

2. «Дамас» русумли, 2001 йилда и/ч, д/р 40 048 LAA, техник-носоз. **Бошланғич баҳоси — 5081209 сўм.**

Савдолар 2014 йил 11 апрел куни соат 15:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 9 апрел соат 17:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «FARG'ONA MULK MARKAZI» МЧЖнинг АТ «Халқ банки» Фарғона вилоят филиалидаги қуйидаги хисоб-рақамига тўлашлари шарт: МФО: 00497, СТИР: 302134194, х/р: 20208000704943063001.

Савдо ўтказиладиган манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй. Тел: 8-373-244-43-58. www.rmm.uz. Гувоҳнома 1177.

Изоҳ: и/ч-ишлаб чиқарилган, д/р-давлат рақами.

Хизматлар лицензияланган.

МЧЖ шаклидаги «Сурхондарё Ким ошди савдо» корхонаси навбатдаги «Ким ошди» савдосини Термиз шаҳар, Ф.Хўжаев кўчасида жойлашган Тадбиркорлар маркази биноси, 2-қават, 10-хонада 2014 йилнинг 11,14,16 апрел кунлари соат 10:00 дан бошлаб ўтказади.
Ушбу «Ким ошди» савдосида қуйидаги автотранспорт воситалари сотувга қўйилмоқда:

Термиз халқаро аэропорти ДУК томонидан савдога чиқарилган:

1. УАЗ (Уран)-469 русумли, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, 19 AI 058 давлат белгили, носоз ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси 821 511 сўм.

2. МАЗ-5334 русумли, 1977 йилда ишлаб чиқарилган, 19 AJ 020 давлат белгили, носоз ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси 5 794 756 сўм.

3. ММЗ-4502 русумли, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, 19 AH 673 давлат белгили, носоз ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси 2 689 239 сўм.

Аму-Сурхон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан савдога чиқарилган:

4. Нексия русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, 75/049 BAA давлат белгили, носоз ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси 2 150 000 сўм.

5.Тико русумли, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, 75/052 BAA давлат белгили, носоз ҳолатдаги автомашина. Бошланғич баҳоси 1 802 000 сўм.

Ким ошди савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар «Сурхондарё Ким ошди савдо» корхонаси билан закалат шартномасини расмийлаштириб, ОАТ «Ҳамкорбанк»даги х/р: 20208000104531008004, МФО:01001, ИНН:206710579 га сотилаётган мол-мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда гаров пули тўлаган ҳолда ариза бериб, рўйхатдан ўтишлари шарт. Аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, Ф.Хўжаев кўчаси, Тадбиркорлар маркази биноси 2-қават, 10-хона. Тел/факс: 8-376-223-07-96. Гувоҳнома № 719.

Хизматлар лицензияланган.

Самарқандда спорт фестивали

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Таъкидлаш жоиз, тизим корхоналарида ходимлар саломатлигини муҳофазалаш борасида ибратли ишлар қилинган. Айниқса, «Бош коммуникация маркази», «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиаллари, «Алоқабанк» ва бошқа қатор меҳнат жамоаларида ходимларни, хусусан, аёлларнинг жисмоний тарбия билан мунтазам шуғулланишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Алоқа ва ахборотлаштириш тармоғидаги қатор ташкилотларда ходимлардан таркиб топган мини футбол жамоалари турли спорт иншоотларида мунтазам машғулотлар ўтказиб туришади. Умуман, ходимларнинг жисмоний тарбияга меҳри ўзгача. Спорт шайдолари орасида ўн саккиздан олтмиш ёшгача ходимлар бор. Масалан, навоийлик Маърифат Сафарова олтмишни қораласа-да, ҳамон чапдаст. Ҳамкасбларининг айтишича, у соҳа ходимлари ўртасида бўлиб ўтадиган ҳар бир беллашувнинг фаол иштирокчиси.

Учрашув, баҳс, мунозара

Самарқанд шаҳридаги муҳташам «Азия» меҳмонхонасида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Фарҳод Хидиров етакчилигида меҳмонларни кутиб олиш маросимидан сўнг кўпчилик учун ҳаяжонли дақиқалар бошланди. Вилоят алоқа ходимларидан таркиб топган жамоалар шахмат-шашка бўйича баҳсни бошлаб юборди.

Самарқанд Давлат университети спорт залида эса волейбол, стол тенниси мусобақалари бўлиб ўтди. Иштирокчилар ҳаққонлиги билан рақибларини доғда қолдириш ҳаракатида. Биз эса улар билан кўпроқ мулоқот қилиш пайида бўлдик.

Муборак НУРМАТОВА, Хоразм вилояти:

— Соҳада ўн уч йилдан буён фаолият кўрсатиб келаман. Самарқандга биринчи марта келишим. Шундай имконият яратиб берган маъмурият ва касаба уюшмаларига раҳмат. Спорт мусобақалари билан бирга шаҳарнинг диққатга сазовор масканлари билан танишдик. Латиф шаҳар қалбимизда ўчмас таассурот қолдирди.

Башорат ЖАЛИЛОВА, Фарғона вилояти:

— Биз меҳнат қилаётган «Матбуот тарқатувчи» шўъба корхонасида 153 нафардан зиёд киши меҳнат қилади. Корхонамизда аёлларнинг жисмоний соғломлигига алоҳида эътибор қаратиб келинаётир. Соҳа хотин-қизлари спортнинг асосан волейбол, стол тенниси тури билан мунтазам шуғулланишади. Баҳсларда улар ўзларини кўрсатишди.

Регина АШУРОВА, Қашқадарё вилояти:

— Шашка ўйнайман. Шунингдек, волейбол ва стол тенниси билан шуғулланиб тураман. Бундай йирик мусобақада биринчи бор қатнашишим. Бундан сўнг ўз устимда янада жиддий ишлашга қарор қилдим.

Шунингдек, навоийлик Ҳилола Нарзиева, жиззахлик Нодира Эгамова ҳамда сурхондарёлик Гулнора Шариповалар ҳам таассуротлари билан ўртоқлашишди.

Муросасиз баҳслардан сўнг самарқандлик санъат усталари томонидан тайёрланган маданий тадбирлар ташкил этилди. Хоразмлик алоқачилар маҳоратига барча тан берди. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари Давлат қўмитаси ҳамда тармоқ ходимлари Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган байрам тадбири ана шундай ҳаяжонли ўтди. Мусобақа ғолиблари ҳомийлар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

«Соғлом она — соғлом авлод гарови» шиори остида ташкил этилган саломатлик фестивали қатнашчиларда бир олам таассурот қолдирди.

***

Мавзудан чекинмаган ҳолда касаба уюшмалари спорт мусобақалари хусусидаги баъзи мулоҳазаларни ўртага ташласак. Спорт — саломатлик пойдевори. Касаба уюшмаларининг спортнинг оммавийлигини таъминлашдан мақсади меҳнаткашларни чиниқтириш, унумли ишлашига кўмаклашишдир. Ҳисоб-китобларга кўра, Самарқанд вилоятида фаолият кўрсатаётган қарийб 3600 дан зиёд бошланғич касаба уюшма ташкилотларида етти мингдан ортиқ футбол, волейбол, баскетбол тўплари, 6,5 минг донадан зиёд шахмат-шашка тахталари, тўрт мингга яқин теннис ракеткалари ва спорт жиҳозлари мавжуд. Аксарият меҳнат жамоаларида ишдан бўш пайтлари шуғулланиши учун мини спорт заллари, майдончалари барпо этилган. Касаба уюшма ва иш берувчиларнинг муддаоси бир: Соғлом ва баркамол инсонгина жамиятга, тараққиёт ривожига ҳисса қўша олади, оиласи тўкинлигини таъминлайди.

Нурилла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Хабар

Ижодий сафарини Тўрткўл, Беруний ва Элликқалъа туманларидан бошлаган қашқадарёлик Саъдулла Мамадалиев бошчилигидаги хусусий «Зооцирк» жамоаси томошаларини давом эттирмоқда.

ХЎЖАЙЛИДА «ЗООЦИРК»

Хўжайли шаҳрининг марказий майдонида «Зооцирк»нинг қирққа яқин ёввойи ҳайвонлари — шердан бошлаб чия бўригача, ҳар хил йиртқич қушлар-у тоғ эчкиси билан икки ўркачли туягача томошабинлар эътиборини ўзига тортмоқда.

— Қорақалпоғистонликлар бизни илиқ кутиб олишди, — дейди жамоанинг иш бошқарувчиси Икромжон Тоғаев. — Ўтган йилнинг октябр ойидан бошлаб шу кунгача бешта шаҳар ва туманда томоша кўрсатдик. Кўнғирот ва Чимбой туманларига ҳам ташриф буюриш ниятимиз бор.

Хўжайли шаҳридаги 1-«Меҳрибонлик уйи»нинг 100 нафар тарбияланувчиси ҳам «Зооцирк» томошаларидан баҳраманд бўлишди.

Жамоа ой охиригача Хўжайли шаҳрида томошалар кўрсатишни режалаштирган.

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири

2014 йил – Соғлом бола йили

Саломатлик энг катта бойлик ҳисобланади. Тан-жони соғ, руҳан ва жисмонан тетик одамгина олдига қўйган мақсадига етиш учун ўзида куч топа олади. Мамлакатимизда ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришда ўзига хос йўналиш танланди. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг онгига жисмоний маданият, жисмоний фаоллик ва кундалик одат, ижтимоий меъёр сифатида сингдиришдан иборат. Буни мавсумий характерга эга бўлган тадбир ёки фақатгина тарбиячи-ю шифокорларнинг вазифаси десак, муаммога бир томонлама қараган бўламиз. Аммо унинг мазмун-моҳияти ва соғлиқни мустаҳкамлашдаги аҳамиятини тушунтириш, албатта, мураббий ва шифокорларнинг бурчидир.

Жисмоний, ахлоқий ва фикрий тарбия

биргаликда олиб борилса, нафи кўпроқ тегади

Ёшларда жисмоний маданият ривожланиши учун, биринчи навбатда, оилада муҳит шаклланган бўлмоғи керак. Бундай ижтимоий қўникмалар бола онгига гўдаклигидан сингдириб борилади ва кундалик турмуш тарзига айланади.

Болага эрталабки бадантарбиянинг аҳамиятини яхшилаб тушунтириб, у билан бирга ҳар куни аста-секин шуғулланилса, ушбу жараён кундалик одатга, яъни ижтимоий меъёрга айланади.

Шу тартибдаги турмуш тарзини болалар муассасаларида, мактаб, академик лицей, олий ўқув юртларида дастур асосида давом эттирилса, натижа кутилгандан ҳам яхшироқ бўлади.

Жисмоний тарбия фарзандларимизда соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва саломатликни мустаҳкамлашда энг самарали йўллардан бири ҳисобланади. Жисмоний машқлар нафақат бирор орган ёки тизимга, балки бутун организмга бир хил таъсир қилади. У фақат мушак, бўғим, бойламлардагина ўзгаришлар ясамай, ички органларда ҳам моддалар алмашинувини яхшилайди.

Қуйидаги ҳаракатлар инсон танасига ижобий куч бағишлайди:

-пиёда юриш;
-югуриш;
-велосипедда юриш;
-чиниқиш;
-сувда сузиш.

Бу машқлар кишини бақувват, чидамли қилиш билан бирга оёқ мушакларини ривожлантиради, юракни машқ қилдиради, нафас тизими, қон айланиши, овқат ҳазм қилиш, асаб ишини яхшилайди. Организмга такрорий жисмоний машқларгина соғломлаштирувчи таъсир кўрсатади. Камҳаракатлик натижасида боланинг дарсларга эътиборсизлиги ортади, уларда тез чарчаб қолиш ҳолатлари кузатилади.

Миллат келажаги ҳақида қайғурган Абдулла Авлоний тарбия жараёнини уч қисмга бўлган:

-бадан тарбияси;
-фикр тарбияси;
-ахлоқ тарбияси.

Зеро, тананинг саломат ва қувватга тўла бўлмоғи инсон учун ўта муҳимдир. Чунки ўқимоқ, ўрганмоқ, ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, соғлом вужуд лозим.

Гуландом ЙЎЛДОШЕВА, Саломатлик ва тиббий статистика институтининг Хоразм филиали касаба уюшма қўмитаси раиси

Кўргазма

Баҳор заррин нурлар ва ёрқин ранглар фаслидир. Шу боис у гўзаллик тимсоли бўлмиш аёллар билан таққосланади. Анъанага кўра, Бадиий кўргазмалар дирекцияси Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан Марказий кўргазмалар залида «Бадиий вернисажи» бадиий кўргазмасини очди. Унда мусаввираларнинг 100 дан зиёд рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлик, чиннисозлик асарлари ўрин олди.

Баҳор вернисажи

Рангтасвирга оид турли мавзуларда яратилган асарлар қаторида А.Маматованинг «Лида», М.Шувалованинг «Хивалик қиз», «Оқшом», В.Нечаеванинг «Рақс», «Довон», Р.Гаглоеванинг «Жазирама», «Сой», У.Ҳамроеванинг «Моҳира портрети», С.Шиннинг «Атиргуллар», Ж.Қўзиеванинг «Қўқонгуллар», Н.Гилмановонинг «Бизнинг маҳалла», М.Ҳасановонинг «Хумсон», Н.Орипованинг «Гўзал дарахт», Г. Лининг «Қуёш уяси», Ли-Сафи Мариянинг «Дадажон ва бувижон», «Қўғирчоқбоз» каби ижод намуналари жой олган.

Рассом аёллар яратган графика санъатига оид ишлар ҳам ўзига хос услуби билан санъат мухлислари қалбига йўл топмоқда. Улар орасида С.Жаляева ишлаган «Баҳорни кутиш», Л.Башарова мўйқаламидан сайқал топган «Алиса мўъжизалар мамлакатида» деб аталган китоб безак-расмлари туркуми маҳоратли бажарилгани билан эътиборга сазовор. Г.Наумова ишлаган «Боғда ёз», «Таваллуд кун» номли акварел асарлари ҳам рангларининг жозибали туслари билан ажралиб туради...

Тасвирий санъатнинг янги, ноёб йўналиши ҳисобланмиш — шойи матога тасвир ишлаш «батик» санъатига оид асарларни яратган Л.Семизарованинг «Ўйғунлик», «Флора», М.Пакнинг «Фонус ёнида» номли ижод маҳсуллари ҳам эътиборни тортади...

Р.Газалиеванинг нақшли, сирланган чиннидан тайёрланган «Тонг» чой сервизи эса ёрқин истеъдодни намоён этади. Ҳайкалтарош Л.Нестерович тошдан ишлаган «Малика Тўмарис», «Анъаналарни сақловчи» номли композициялар ўзига хос дастхатга эга ижодкор маҳорати меваларидир.

Томошабинларда унутилмас таассуротлар уйғотаётган ушбу кўргазма 17 мартгача давом этади.

Баҳром ТОЖИЕВ, санъатшунос

«Баркамол авлод — 2014»

Пухта тайёргарлик

Жорий йил Наманган вилоятида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган «Баркамол авлод — 2014» спорт мусобақаларига жиззахлик ёшлар пухта тайёргарлик кўришмоқда.

— Вилоятдаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда мазкур мусобақага пухта тайёргарлик кўриш учун барча шароит яратилди, — дейди вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Турдиев. — Ўқув муассасалари ўртасида ўтказилган биринчи босқич беллашувларида 23 минг 420 нафар ўқувчи иштирок этди. Иккинчи босқич — туманлараро минтақавий мусобақаларда 9 минг 780 нафар ёш спортчи қатнашди ва уларнинг энг муносибларидан вилоят жамоаси таркиби шакллантирилди.

ЎзА

Реклама ва эълонлар

«TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

барча тадбиркорлик субъектларини, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Вазирлар Маҳкамасининг 2011йил 25-майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 147-сонли қарорига, Тошкент вилояти Зангиота тумани ҳокимининг 19.02.2014 йилдаги № 134 сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги ер участкалари доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан танлов савдосига қўйилмоқда:

1. Зангиота тумани Чиғатой-Оқтепа ҚФЙ ҳудудида янги иш ўринларини яратиш мақсадида чиқинди қабул қилиш пункти, пойабзал таъмирлаш устахонаси ва қишлоқ хўжалиги махсулотлари сотиш дўкони ва емхона қурилиши учун ажратилган 0,08 га ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи, минимал қиймати 440 900 сўм.

2. Зангиота тумани Юнусобод ҚФЙ, Бешқўрғон маҳалласи ҳудудида аҳолига замонавий озуқа ем, савдо ва маиший хизмат зооветеринария шохобчаси қурилиши учун ажратилган 0,07 га ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи, минимал қиймати 385 800 сўм.

3. Зангиота тумани Эркин ҚФЙ ҳудудида аҳоли истеъмоли учун экологик тоза қадоқлаш пакетлари, пластмасса идишлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қадоқлаш, ҳамда яшик ишлаб чиқариш цехи қурилиши учун ажратилган 0,70 га ер участкаси доимий фойдаланиш ҳуқуқи, минимал қиймати 3 857 900 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Зангиота тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириғи асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириғи нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2014 йил 10-апрел куни соат 18:00 да тўхтатилади. Буюртманомалар танлов ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманома беришдан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридаги маблағни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур эълонда кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Тошкент вилояти, Зангиота тумани ҳокимлиги биносида 2014 йил 11-апрел куни соат 11:00 да очилади. 2014 йил 21-апрел кунига қадар мазкур ҳокимлик биносида танлов ғолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов ғолиби деб топилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танлов савдосида иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртманома билан бирга қуйидаги ҳужжатларни икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар – паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхасини илова қилган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари нусхаси.
- танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тузилиб, муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахснинг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реквизитлари: «Tashkent Realtor Service» МЧЖ ҳ/р: 20208000804876496001 ОАИТБ «Ипак йўли» Миробод филиали, МФО: 01101, ИНН: 301743808.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил : Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси 10-уй, 16-хона, мурожаат қилиш учун телефон рақамлари: Тел. (8371) 147-40-00, факс: (8371) 233-06-59, электрон почта: info@realtorg.uz , Лицензия RR-0008.

Газетанинг навбатдаги сони 15 март, шанба куни чиқади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: N.Rafiqov
Navbatchi: U.Ibodinov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 22.35
Topshirildi - 23.00

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 318 | 22448 nusxada bosildi | 1 2 3 4